Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

# Туркистон

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1996 йил 3 июль. Чоршанба. № 44 (14342)

## ХХР РАИСИ ЦЗЯН ЦЗЭМИННИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

2 июль куни Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цзэмин рафиқаси билан мамлакатимизга расмий ташриф буюрди.

Тошкент аэропортида юксак мартабали меҳмонга Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов, ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, Тошкент шаҳри ҳокими Козим Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар пешвоз чиқди. Миллий либосдаги қизлар ХХР Раиси Цзян Цзэмин ва унинг рафиқасига ўзбек заминининг анвойи гулларини тақдим этдилар. ХХР Раиси аэропортда оммавий ахборот воситаларига баёнот берди.

— Президент Ислом Каримов жаноби олийларининг таклифига биноан гўзал мамлакат — Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи билан келиш менга алоҳида мамнуният бахш этади, — дейилади ушбу баёнотда. — Фурсатдан фойдаланиб, Хитой халқи номидан Тошкент аҳолиси ҳамда бутун Ўзбекистон халқига қайноқ салом ва юксак эҳтиромимни изҳор этишни истар эдим.

Хитой билан Ўзбекистон яқин ва дўст қўшнилардир. Иккала мамлакат халқлари ўртасидаги анъанавий дўстлик илдизлари жуда чуқурдир. Сўнги йилларда Хитой билан Ўзбекистон ўртасида ўрнатилган муносабатларнинг ривожланиш жараёнини эслар эканмиз, мамлакатларимиз ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликда эришилган ижобий натижалардан мамнун эканимизни қайд этамиз.

Хитой Ўзбекистон билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларининг ривожланишига алоҳида эътибор беради. Чунки, бу муносабатлар Хитой билан Ўзбекистон, икки мамлакат халқлари манфаатларигагина мос бўлиб қолмасдан, бутун дунёда тинчлик, барқарорлик ва тараққиётга ҳам хизмат қилади. Мен мазкур ташриф Хитой ва Ўзбекистон халқлари ўртасидаги бир-бирини тушуниш ва дўстлик, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, дўстона муносабатларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилишига ишонаман. Биз Президент Ислом Каримов жаноби олийлари ҳамда Ўзбекистоннинг бошқа раҳбарлари билан Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама муносабатлар, шунингдек, ўзаро манфаатли бошқа масалалар юзасидан чуқур фикр алмашамиз. Ишончим комилки, иккала томоннинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари ва ҳамкорлиги туфайли мазкур ташриф тўла муваффақият билан якунланади.

Сўнг автомобиллар карвони Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикаси байроқлари ҳилпираб турган Тошкент кўчалари бўйлаб Дўрмондаги қароргоҳ сари йўл олди.

Қароргоҳда Хитой Халқ Республикаси раиси Цзян Цзэминни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Ҳурматли меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Президент Ислом Каримов ва ХХР Раиси Цзян Цзэмин шоҳсупага кўтарилдилар. Хитой Халқ Республикаси ва Ўзбекистон Давлат мадҳиялари янгради. Ислом Каримов ва Цзян Цзэмин фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва ХХР Раиси Цзян Цзэминнинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди.

Хитой раҳбари Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғига ташриф буюриб, улуғ шоир ва мутафаккир ҳайкали пойига гуллар қўйди. ХХР Раиси Цзян Цзэмин шу куни Хитойнинг Ўзбекистондаги элчихонасида ҳам бўлди.

Оқшом Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов рафиқаси билан Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цзэмин ва унинг рафиқаси шарафига қабул маросими уюштирди.

ХХР Раиси Цзян Цзэминнинг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда.

**(ЎзА).**

## ЎЗБЕКИСТОН ЙЎЛИНИНГ АМЕРИКАДАГИ ЭЪТИРОФИ

### МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ АҚШГА АМАЛИЙ ТАШРИФИ КАТТА МУВАФФАҚИЯТ БИЛАН ЯКУНЛАНДИ



Биз тарихдан ҳикоя қилувчи манбалардан Американинг кашф этилиши ҳақида турли фаразларни ўқиганмиз. Улардан бирида буюк бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний уммон ортида ноаён қитъа мавжудлигини илмий тахмин қилгани ҳақида гап боради. Шуниси аёнки, ким томонидан кашф этилишидан қатъи назар, Американинг очилиши инсоният тараққиётидаги муҳим воқеа сифатида баҳоланади. Аммо бугун биз она диёримиз тарихи учун муҳимлиги жиҳатидан ундан кам бўлмаган воқеа — америкаликларнинг Ўзбекистонни мустақил ва имкониятларга бой мамлакат сифатида кашф этиши, АҚШ раҳбариятининг Ўзбекистон танлаган бозор муносабатларига ўтиш, босқичма-босқич ўтказилаётган сиёсий-иқтисодий ислоҳотлар орқали ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олиш, истиқлолини мустаҳкамлаш йўлини эътироф этиши ҳақида сўз юритмоқчимиз. Бунда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 23-28 июнь кунлари Америка Қўшма Штатларига амалий ташрифи бурилиш нуқтаси бўлди.

Аввало, ташрифнинг энг муҳим воқеаси ҳақида. 25 июнь куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Оқ уйда АҚШ Президенти Билл Клинтон қабулида бўлди. Олий мартабали меҳмонлар қабул қилинадиган қароргоҳда Ўзбекистон ва АҚШ Президенти мулоқоти белгиланганидан қарийб икки баробар кўпга чўзилгани бу тарихий учрашувнинг айни муддао бўлгани ва ўзаро фойдали фикр алмашув имконини берганидан далолатдир.

Оқ уй матбуот хизмати бизга тарқатган маълумотномада учрашув чоғида Президентлар икки томонни қизиқтирган иқтисодий, сиёсий ва хавфсизлик масалаларини, шунингдек, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ҳамда Марказий Осиёдаги вазиятни муҳокама қилгани қайд этилган. Унда, шунингдек, Президент Клинтон Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида етакчи ўринда туриши туфайли АҚШ мамлакатимиз билан кенг қамровли масалалар бўйича қалин алоқалар ўрнатиш ниятида эканини таъкидлагани маълум қилинган.

Президент Ислом Каримов учрашувнинг ғоят самарали ўтганини қайд этиб, у нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё тараққиётида муҳим аҳамият касб этишини, жаҳонда катта акс-садо беришини айтди. Дарҳақиқат, жаҳондаги кўплаб йирик оммавий ахборот воситалари бу учрашувни кенг ёритдилар. Учрашувга бўлган катта қизиқишнинг боиси шундаки, унда икки томонлама муносабатларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалардан ташқари, бир қанча халқаро масалалар юзасидан ҳам фикрлашиб олинди.

Билл Клинтон АҚШ Марказий Осиё мамлакатларининг мустақиллиги, барқарорлиги ва ривожланишидан ҳар томонлама манфаатдор эканини тасдиқлади. Учрашувнинг яна бир аҳамиятли томони — АҚШ раҳбарияти Марказий Осиёда тинчлик ва бирқарорликни таъминлаш борасида Ўзбекистоннинг етакчи мавқеини эътироф этиб, у билан стратегик ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ниятида эканликларини таъкидлади. Терроризмга қарши кураш, наркотик моддаларнинг ғайриқонуний ҳаракатига тўсиқ қўйиш, минтақавий хавфсизлик муаммолари Ислом Каримовнинг Оқ уйда АҚШ Президентининг хавфсизлик масалалари бўйича ёрдамчиси Э. Лейк билан мулоқотида ҳам асосий мавзу бўлди.

Шу ўринда Ўзбекистон-Америка муносабатларининг бугунги ривожига қисқача бўлса-да тўхталиш жоиз кўринади. Мамлакатимиз истиқлолни қўлга киритгач, жаҳондаги турли давлатлар, жумладан, Америка Қўшма Штатлари билан ўзаро тенглик ва манфаатдорлик асосида алоқалар ўрнатишга киришди. Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва бозор муносабатларига ўтишни ғоят мураккаб ижтимоий-сиёсий вазиятда амалга оширишга киришган эди. Ана шу пайтда эҳтиросларга берилмаслик, узоқни кўзлаб иш тутиш, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошира бориш ғоят муҳим эди. Шукрки, Президент Ислом Каримов танлаган йўл Ўзбекистоннинг талофатларсиз илгарилашига, ривожланишнинг мустаҳкам пойдеворини яратишига имкон бермоқда.

Иқтисодий ва сиёсий барқарорлик демократиянинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва уни кенгайтира бориш учун ҳам шароит туғдираётир. Ана шу жараёнларнинг чуқурлашуви, Ўзбекистон ислоҳотларни амалга оширишда эришган дастлабки муваффақиятлар мамлакатимиз билан АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг янада ривожланишига омил бўлди.

**(Давоми 2-бетда).**

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЕВРОПА ИТТИФОҚИ МАМЛАКАТЛАРИ ДАВЛАТ ВА ҲУКУМАТ БОШЛИҚЛАРИ КЕНГАШИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам раис жаноблари!

Давлат ва ҳукуматларнинг муҳтарам бошлиқлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Энг аввало, Флоренцияга, Европа Иттифоқи мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқларининг учрашувига таклиф этилиш шарафига муяссар бўлганимдан миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битимнинг мана шундай юксак анжуманда имзоланиши — шубҳасиз, муносабатларимизнинг янги, ҳал қилувчи босқичга чиққанини исботловчи муҳим воқеадир.

Биз бу муносабатларга ташқи сиёсатимизнинг мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти ва жаҳон хўжалигига интеграциялашувига қаратилган устивор йўналиши, деб қараймиз.

Шу билан бирга биз бу ҳужжатнинг имзоланиши — ёш давлатимизнинг мустақиллиги ва суверенитети сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш эканини ҳам миннатдорлик билан қайд этамиз.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан ҳамда давлатчилик қайта тиклангандан бошлабоқ, Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат ва умуминсоний, эътироф этилган идеаллар ҳамда қадриятларга асосланган фуқаролар жамияти қуриш йўлига тушиб олди.

Ўзбекистон минтақадаги энг йирик мамлакат ҳисобланиб, табиий ва инсоний ресурсларга бой Марказий Осиёда алоҳида жўғрофий ва сиёсий-жўғрофий ўрин эгаллайди. Улкан табиий, минерал-хомашё ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистон бугуннинг ўзидаёқ Европа Иттифоқига аъзо бўлган кўпгина мамлакатларнинг иқтисодиёт ва савдо соҳасидаги муҳим шерикларидан ҳисобланади.

Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон бугунги кунда Умумевропа жараёнларининг фаол иштирокчиси бўлиб қолган. Биз Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Хельсинки ғояларини мустаҳкамлаш учун минтақавий марказ сифатида айнан давлатимиз пойтахти Тошкентни танлаганини юксак баҳолаймиз. Мамлакатимизнинг НАТОнинг «Тинчлик йўлидаги шериклик» дастуридаги иштироки ҳам тобора кенгайиб бормоқда.

Ҳозирги замонда Марказий Осиёнинг иқтисодий ва сиёсий аҳамияти тобора ўсиб бораётгани бизга савдо-иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларимизнинг ёрқин истиқболигагина эмас, Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида стратегик шериклик муносабатлари ўрнатилиши имкониятларига ҳам умид билан қараш имконини беради.

Биз, ўзбекистонликлар, мамлакатимизда халқимизнинг муносиб ҳаётини таъминлайдиган эркин бозор иқтисодиётига эга демократик очиқ давлатни шакллантириш ва оёққа турғизиш учун Европа Иттифоқи ва Европа мамлакатлари кўрсатаётган ёрдам ҳамда мададни юксак баҳолаймиз ва миннатдорлик билан қабул қиламиз.

Бугунги кунда хусусий сектор ва тадбиркорликни мустаҳкамлаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, биз учун янги бўлган мулкдорлар синфини оёққа турғизиш, замонавий меъёр ва стандартларни ҳаётимизга татбиқ этиш борасида бизга кўрсатилаётган ёрдам ниҳоятда муҳимдир.

Бу борада Европа Иттифоқидан ТАСИС дастури бўйича олаётган ёрдамимиз ҳам ниҳоятда мислсиздир.

Биз Европа Иттифоқининг Европа билан Марказий Осиё ўртасидаги илгари Буюк ипак йўли ўтган йўлда транспорт қатновини тиклаш ва ривожлантиришга қаратилган ТРАСЕКА лойиҳасини ривожлантиришга ниҳоятда катта аҳамият берамиз. Ўзбекистон бугунги кунда бир қанча манфаатдор давлатлар билан ҳамкорликда мазкур лойиҳани амалга ошириш юзасидан амалий қадамлар ташламоқда.

Хонимлар ва жаноблар!

Мен ҳамкорлигимиз Ўзбекистон учун Европада, Европа учун Марказий Осиёда катта имкониятлар очиб беришига қодир эканига тўла аминман. Ҳамкорлигимизнинг мақсади битта — Европа ва Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, эркин бозор муносабатларини кенгайтириш, демократик қадриятларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркини кафолатлаш, фуқароларимизнинг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур шароит яратишдан иборатдир.

Бугун шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзолар эканман, мен муносабатларимизнинг истиқболига умид билан қарайман ҳамда бу муносабатларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш, зиммамизга олган мажбуриятларимизнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга қатъий аҳдимни ифода қиламан.

Эътиборларингиз учун ташаккур.

**Флоренция шаҳри, ИТАЛИЯ**

*Акс-садо*

## ҚАЛБЛАР ФАХРГА ТЎЛДИ

Тўғрисини айтиш керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Америка Қўшма Штатлари Президенти Билл Клинтон билан учрашуви асрга татигулик воқеа бўлди. Ўзбекистондек ёш, мустақиллигини эндигина бешинчи йилида қадам ташлаётган мамлакатни жаҳоннинг йирик мамлакати томонидан эътироф этилиши, у танлаган иқтисодий тараққиёт йўлининг юксак баҳоланиши биз учун шарафлидир.

АҚШ, Германия, Франция, Япония, Жанубий Корея каби саноати ривожланган мамлакатлар республикамиз иқтисодиётига ўз инвестицияларини бежиз йўналтирмаяптилар. Бугуннинг ўзида АҚШнинг иккиюзга яқин йирик компания ва фирмалари Ўзбекистонда фаолият кўрсатмоқда. Мен оммавий-ахборот воситалари орқали Президентимизнинг Америкага ташрифини кузатар эканман, яна бир масала диққатимни тортди. Жаҳоннинг йирик мамлакатлари, аввало бирон-бир мамлакат билан алоқа ўрнатишида биринчи навбатда унинг тинчликсеварлик борасидаги фаолиятига эътиборни қаратади. Зотан, Афғонистонда урушни тўхтатиш учун бирдан бир йўл шу мамлакатга қурол-аслаҳа олиб киришни ман этиш ҳақидаги Президентимиз Ислом Каримовнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси сессиясидаги таклифи Ўзбекистоннинг мазкур ҳудудда тинчликни сақлаш бўйича тинимсиз қайғураётганидан дарак беради.

**Саидали ТОИРОВ, Тошкентдаги 127-автокорхона директори.**

***

Америка ҳақида эшитмаган ёки шу мамлакат ҳақида озгина бўлсада маълумотга эга бўлмаган кишини учратиш қийин. Бу мамлакатни кўпгина сайёҳлар сеҳрли диёр дейишади. Ҳар томонлама ривожланган Америка кимларни ўзига маҳлиё қилмаган дейсиз.

25 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқ уйда АҚШ Президенти Билл Клинтон билан учрашди. Ўзбекистон — Америка муносабатлари тарихида ғоятда муҳим воқеа бўлган бу учрашувда икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, ҳамкорликни ҳуқуқий асосларини кенгайтириш, Маркаий Осиёда барқарорлик ва хавфсизлик масалалари устида фикр алмашилди.

Юраклар фахрга тўлди. Буни Мустақиллик берган бахт деса булади.

АҚШ Президенти Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва мамлакатимиздаги демократик жараёнларга ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ишларига юксак баҳо берди. Республика Президентининг «Аҳолининг омонатларида ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида»ги Фармони ҳам юқоридаги баҳонинг бир исботтидир. 1 июлдан бошлаб халқ банкининг барча бўлимларида махсус очилган «Индексация» счетларидан тегишли белгиланган индексация суммалари босқичма-босқич тўланиши бошланди. Ўзбекистон Ўрта Осиё регионида етакчи ўринда туриши туфайли АҚШ бу мамлакат билан кенг қамровли масалалар бўйича қалин алоқалар ўрнатиш ниятида эканлигини таъкидлади.

Дунё бизни танимоқда. Биз дунёни. Оламшумул воқеалардан кўнглим тоғдек кўтарилиб кетади. Ўзбекистон деган юртни фарзанди эканлгимдан қалбимда ғурур жўш уради.

**Б. АБИРОВ, иқтисодчи.**

***

ЎЗБЕКИСТОН Президентининг Америкага қилган ташрифи тасвири ойнаи жаҳон орқали намойиш этилгач, кўплаб ҳамюртларимиз таҳририятимизга қўнғироқ қилиб, ўзларини тўлқинлантирган ўй-кечинмалари билан ўртоқлашдилар.

— АҚШ хорижий сармояларни ҳимоялаш корпорацияси (ОПИК) Америка иқтисодиётида етакчи ўрин тутади. Марказий Осиё давлатлари ўртасида тузилган шартномаларнинг энг йириги ва энергетика соҳасида Ўзбек-Америка лойиҳасини қўллаб-қувватлашга қаратилган 400 миллион доллар ажратилиши кўзда тутилган протоколнинг имзоланиши ОПИКнинг Ўзбекистон иқтисодий ривожланишига ёрдам берадиган жиддий қадамидир, — дейди Муборак газни қайта ишлаш заводи ёшларининг етакчиси Муҳаббат Сафоева. — Биз газчилар «Ўзбекнефтгаз» корпорацияси билан ОПИКнинг ҳамкорлиги ғоят истиқболли булишига ишонамиз.

— Президентимизнинг Америка Қўшма Штатларига сафари жараёнида бўлиб ўтган муҳим воқеалардан бири бу — АҚШда Ўзбекистон элчихонаси янги биносининг очилишидир, — дейди тарихчи олим Аҳмаджон Чориев. — Мустақил Ўзбекистон Америка Қўшма Штатларида, шоир таъбири билан айтганда, ўзининг «Бир парча ери»га эга бўлганлиги давлатимизнинг бутун жаҳон ҳамжамияти олдидаги нуфузини янада орттириши турган гап. Президентимизнинг океан ортига қилган бу сафари тарихимиз саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилиши шубҳасиз.

**Ўз мухбиримиз.**

## МИЛЛАТНИНГ ҒУРУРИ, ВАТАННИНГ ИФТИХОРИ

*Ҳар бир миллатнинг ўз ғурури, ўз фаҳри, ўз таянч нуқтаси-ю ўз ўқ томири бўлади. Ўзбекнинг, Ўзбекистоннинг ўқ томири шу қадар чуқур ва шу қадар теран-ки, у Она Шарқ бўлиб жаҳон маданият бешиги номини олмиш.*

*Энди Ғурурга келсак, биз узоқ йиллар ўроқ ва болғага сажда қилишга кўниктирилдик... Вақти келдики, ўзимизнинг фаҳри(я)миз — гимнимиз, ўзимизнинг ғуруримиз — туғро (герб)миз ва ниҳоят, ўзимизнинг таянчимиз — байроғимизга эга бўлдик. Лекин бу эгалик ҳуқуқини қўлга киритиш, эгаликни ҳис этиш арзонга тушгани йўқ. Бунда боболаримизнинг жасоратлари, оталаримизнинг фидойиликлари мужассам...*



*Ўз гербимизга эга бўлганимизга роппа-роса уч йил тўлди. Уч йилки биз хорижий мамлакатлар қошида Она Ўзбекистонимизни бор бўй-басти билан кўрсата олиш имкониятига эга бўлдик. Уч йилки, афсонавий Ҳумо қуши бошимизда парвона...*

*Орадан йиллар, асрлар ўтади. Авлодларимиз бугун биз уч йиллигини нишонлаётган гербимизни бир асрлигини, уч юз йиллигини нишонлайдилар. Ва истиқлол қалдирғочлари, мустақилликнинг тамал тошини қўйган ўзбекнинг жонфидо фарзандларини юраклари тўрида асрайдилар. Демоқчимизки, гербимиз ҳам, унинг асосчилари ҳам абадиятга дахлдордирлар.*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ҚЎМИТАСИДАН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари қўмитаси 1996 йилги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат мукофотига асарларни тақдим этиш муддати шу йилнинг 1 августигача узайтирилганлигини маълум қилади.

Асарларни тақдим этиш ва уларга ҳужжатлар тайёрлаш билан боғлиқ барча масалалар бўйича маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

700000. Тошкент шаҳри, Абдулла Тўқай кўчаси, 1-уй

Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари қўмитаси

Телефон: (3712) 34-83-54

*Шу сонга хабар*

## СОҒЛОМЛАШТИРИШ ҲАФТАЛИГИ

### У ШУ ЙИЛНИНГ 15-21 ИЮЛЬ КУНЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати республикамизда спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда. Спортни ривожлантириш бу соғлом авлодни тарбиялаш демакдир.

Ушбу саъй-ҳаракатларни ривожлантирган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси бошқаруви бошчилигида тегишли вазирликлар ва ташкилотлар билан ҳамкорликда республикамиз ёшлари ўртасида шу йилнинг 15-21 июль кунлари соғломлаштириш ҳафталигини ўтказишга доир қўшма қарор қабул қилинди.

Ушбу соғломлаштириш ҳафталигини ўтказишдан асосий мақсад, республикамиз ёшларини жисмоний соғлом қилиб тарбиялаш, уларни спорт мусобақаларига оммавий равишда жалб қилиш, жисмоний тарбия ва спортга бўлган қизиқишини кучайтириш, бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш ҳамда спорт ўйинларига бўлган эътиборни кучайтиришдир.

Шу нуқтаи назардан, ушбу ҳафталикни ўтказиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, соғ танда соғлом ақл деганларидек, юртимизнинг янги асрдаги тараққиёти ана шундай соғлом ёшларнинг камолотига боғлиқдир.

Республикамизнинг барча вилоятларида ўтказилиши режалаштирилаётган ушбу соғломлаштириш ҳафталиги ҳам мана шу хайрли ишнинг дебочасидир.

**А. ЭШОНҚУЛОВ, Ўзбекистон Ёшларининг «Камолот» жамғармаси бошқаруви етакчи мутахассиси.**

